

18 ОКТЯБРЬ – САМАРҚАНД ШАҲРИ КУНИ



*Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!*

Zarafshon

www.zarnews.uz
<https://www.facebook.com/zarnews.uz>
[@zarnews_uz](https://t.me/zarnews_uz)
https://twitter.com/zarnews_uz

Самарқанд шаҳри учун бутун оламга машхур брендларни бундан бир неча асрлар олдин улуғ аждодларимиз яратиб кетганлар. Бугун гап улар қолдирган бекиёс обидаларимиз, гўзал табиатимиз, саховатли заминимиз имкониятларидан оқиллона фойдаланишда.
Ш.МИРЗИЁЕВ.

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@mail.ru



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 17-oktyabr, shanba, 117 (23.397)-son



Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллик юбилеи муносабати билан 1996 йил 18 октябрь куни Самарқанд шаҳрида буюк жаҳонгир ҳайкали тантанали очилган ва қадимий кент “Амир Темур” ордени билан тақдирланган эди. Ўшанда биринчи Президентимиз томонидан бундан буён ушбу санани Самарқанд куни сифатида нишонлаш таклиф этилган ва бу ташаббус қўллаб-қувватланганди.

Мана қарийб 25 йилдирки 18 октябрь қадимий ва ҳамisha навқирон Самарқанднинг байрами сифатида нишонланмоқда. Байрам арафасида эса янги объектларни фойдаланишга топшириш, маданий-маърифий тадбирлар, илмий анжуманлар ўтказиш анъанага айланди. Бу анъана бу йил ҳам давом этмоқда ва кеча шаҳримизда бир қатор янги иншоотлар очилди.

“ИПАК ЙЎЛИ”НИНГ “АҚЛЛИ КАМПУС”И

Юртимизнинг туризм соҳасидаги имкониятлари ва бой тарихини намойиш этиш учун ўз соҳасининг профессионаллари, яъни сайёҳлик соҳасидаги юқори малакали мутахассисларга талаб ошиб бормоқда. Шу боис Президент Шавкат Мирзиёев Хитойнинг Циндао шаҳрида бўлиб ўтган ШХТ саммитида Самарқанда халқаро туризм университетини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди ва 2018 йил 28 июнда бу ҳақда қарор қабул қилиб, “Ипак йўли” туризм халқаро университети асос солинди.

Мазкур қарор билан Самарқанд давлат чет тиллар институти академик лицейининг бино ва иншоотлари университетга оператив бошқариш ҳуқуқи билан берилган эди. Ўтган давр мобайнида бино тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилди ҳамда “ақлли университет” тамойилига мослаштирилди.

2020-2021 ўқув йилини университет талабалари янги замонавий смарт-бинода бошлаш имкониятига эга бўлди. Кеча ушбу бино тантанали равишда фойдаланишга топширилди.

– “Ақлли кампус” мақомига эга мазкур бино дунёнинг энг нуфузли университетлари стандартлари асосида жиҳозланган, – деди маросимда иштирок этган Ўзбекистон Республи-

каси Бош вазири ўринбосари, туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси ва бир вақтнинг ўзида “Ипак йўли” халқаро туризм университети ректори А.Абдуҳақимов. – Албатта, университетда яратилган шароитлар, берилган имкониятлар талабаларни ўқишга, ўз устида ишлашга, билимларини оширишга, салоҳиятларини юзага чиқаришга ундайди. Ўз навбатида, юқори малакали мутахассислар халқаро университет мавқеини кўтариш ва ушбу даражага муносиб бўлиш учун ҳаракат қилишади.

Вилоят ҳокими Э.Турдимов университет жамоасини янги бино билан табриклаб, ушбу маскан нафакат бу ерда фаолият кўрсатадиган профессор-ўқитувчилар ва таълим оладиган талабалар учун, балки вилоятимиздаги барча олий таълим муассасалари учун намуна бўлишини қайд этди.

Маросимда университет ректорига муассасанинг рамзий калити топширилди. Шунингдек, университетнинг халқаро танловлар ғолиблари бўлган фаол талабаларига ташаккурномалар берилди.

Тадбир қатнашчилари замонавий бинодаги таълим жараёнлари, яратилган қулайлик ва имкониятлар билан яқиндан танишди.

Шундан сўнг меҳмонлар Университет хиёбонидаги яна бир иншоот – вилоят ахборот-кутубхона маркази-

САМАРҚАНД – маърифат, маданият, туризм маркази

нинг реконструкция қилинган биноси фойдаланишга топшириш маросимида қатнашди.

110 ЙИЛЛИК ТАРИХГА ЭГА КУТУБХОНА УЧУН ЗАМОНАВИЙ БИНО

Вилоятимизнинг мазкур бош кутубхонаси тарихи 1911 йилга бориб тақалади. Дастлаб ушбу зиё маскани 2 минг нусхага яқин адабиёт билан фаолият бошлаган ва унинг хизмати-дан бир неча юз киши фойдаланган. Кейинчалик китоб фонди бойиб, 1937 йилда кутубхонага Пушкин номи берилиб, давлат кутубхонаси мақомига эга бўлган.

Айни пайтда марказ китоб фондида 700 мингга яқин сақлаш бирлиги, жумладан периодика, грамзапислар ва нота нашрлари мавжуд. Кутубхонага ҳар йили 30 мингга яқин киши обуна бўлади. Сўнгги йилларда ўлкашунослик бўлими, каталоглар ва картотекалар бўлими, ҳуқуқий ахборот маркази, Гёте институти кўмағида немис тилидаги адабиётлар ўқув зали, болалар адабиётлари бўлими ташкил этилди.

Аммо марказнинг биноси бугунги кун талабларига жавоб бермас, қадимий ва ноёб китоб фондиди сақлаш учун қўшимча қулайлик ва имкониятлар яратиш зарурати ўзага келганди.

– Давлатимиз раҳбари томонидан ижтимоий-маънавий ҳаётимизга оид 5 муҳим ташаббуснинг илгари сурилиши бизнинг марказ ҳаётида ҳам муҳим бўрилиш ясади, – дейди Пушкин номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази директори Ш.Аҳмедова. – Беш ташаббуснинг тўртинчиси бўлган ёшлар маъ-

навиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонлиқни кенг тарғиб қилиш йўналиши ҳамда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори асосида марказимизни реконструкция қилиш учун вилоят маҳаллий бюджетидан 6 миллиард 600 миллион сўм маблағ ажратилди. Шунинг ҳисобидан биномиз замон талабларига мувофиқ таъмирланиб, кутубхона учун қандай шароит, имконият зарур бўлса, барчаси яратиб берилди. Жиҳозлар тўлиқ янгиланди.

Марказ биносининг очилиш маросимида Ўзбекистон Қаҳрамони Х.Нормуродов ҳам сўзга чиқиб, қисқа фурсатда ушбу маърифат максанида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари мамлакатимизда аҳолининг китобхонлик маданиятини оширишга, маърифат, маънавиятга алоҳида эътибор қаратаётганидан ёрқин далолатлигини таъкидлади.

КОНИГИЛ – ЮРТИМИЗДАГИ БИРИНЧИ ТУРИЗМ ҚИШЛОҒИ

Самарқанд туманидаги Кониғил қишлоғи – Самарқанд қоғози, қулолчилик, дурадгорлик ва бошқа хунармандчилик анъаналари бугунги кунга қадар сақланиб қолган жой ҳисобланади. Бу ерга маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар келиб, халқимизнинг қадимий анъана ва қадриятлари, миллий хунармандчилик намуналари билан танишишади. Жумладан, тарихий Самарқанд қоғозини ишлаб чиқариш жараёнлари, кониғиллик қулолларнинг иши сайёҳларни ўзига ром этиб, уларни бу манзилга

чорлайверади.

Жорий йилда мазкур ҳудудни “туризм қишлоғи”га айлантириш лойиҳаси асосида иш бошланиб, пандемия шароитида ҳам бу вазифа тўхтаб қолмади. Аввало, қишлоқ инфратузилмаси яхшиланиб йўллар кенгайтирилди, бинолар, аҳоли турар жойлари тарихий қиёфаси сақланган ҳолда таъмирланди. Шунга мос тарзда меҳмон уйлари, овқатланиш шохобчалари, устакхона ва хунармандчилик шохобчалари ташкил этилди. Шу пайтгача мазкур ҳудуддаги “Кониғил мерос” хунармандчилик марказида қадимий Самарқанд қоғозини тарихий усулда ишлаб чиқариш жараёни тикланиб, бу устакхона сайёҳлар ташриф буюрадиган муҳим объектлардан бири саналар эди. Эндиликда унинг қаторига сув теғирмонлари ёрдамида ун тайёрлаш, Кониғил қишлоғида етиштирилган шолдан гуруч олиш йўлга қўйилди. Меҳмонлар бу ерда ана шу теғирмонлардан чиқарилган ундан дунёга машхур Самарқанд нонларини пишириш жараёнларига гувоҳ бўлишади. Кониғил гуручидан миллий таом – палов тайёрлашади ёки бу жараённи кузатишади.

– Ҳозир бу ерда лойиҳанинг биринчи босқичи амалга оширилди, – деди вилоят ҳокими Э.Турдимов. – 40 га яқин хонадонлар туризм қишлоғининг объекти сифатида турли хизматларни йўлга қўйди, устакхоналар, меҳмон уйлари, чойхона ва ошхоналар ташкил этилди. Эндиликда иккинчи босқичда бу ишларни давом эттирамиз. Сиёб ва Оби Раҳмат ариқлари бўйидаги 3,5 километрлик ҳудуднинг икки тарафи ана шу тарзда обод қилиниб,

туристик маскан бунёд этилади. Кичик меҳмон уйлари, кўнгилочар масканлар қурамиз. Кониғил қишлоғининг 720 дан ортиқ хонадонини шу фаолиятга қамраб оламиз, 1000 дан ортиқ янги иш ўрни яратамиз. Кониғил туризм қишлоғи келгусида вилоятимизнинг асосий сайёҳлик марказларидан бирига айланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Абдуҳақимов ушбу манзил мамлакатимиздаги илк туризм қишлоғи бўлганлигини таъкидлади ҳамда Кониғил маҳалла фуқаролар йиғини раиси Каромат Раҳматовга маҳаллага “Туризм қишлоғи” мақоми берилган сертификатни топширди.

САМАРҚАНДА ГАСТРОНОМИК ТУРИЗМ КЎЧАСИ ПАЙДО БЎЛДИ

Кеча Самарқанд шаҳридаги меҳмонхоналар яна биттага кўпайди. Бобур Мирзо кўчасида 51 ўринли замонавий меҳмонхона фойдаланишга топширилди. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, вилоят ҳокимлиги масъуллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари меҳмонхонада маҳаллий ва хорижлик сайёҳларни қабул қилиш учун яратилган имконият ва қулайликлар билан танишди.

Шунингдек, кеча шаҳарнинг Орзу Маҳмудов кўчаси Самарқанднинг илк гастрономик туризм кўчаси сифатида фаолиятини бошлади. 840 метрлик кўчада жойлашган 40 дан ортиқ кафе ва ресторанларда ҳар бир меҳмон дунёнинг турли мамлакатларида тайёрланган энг мазали, миллий таомлардан баҳраманд бўлиши мумкин. Йўл бўйлаб кўпплаб гастрономик бутиклар, савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталари ўрин олган.

Бугун ва эртага ҳам Самарқандда бир қатор янги объектлар фойдаланишга топширилади ва шаҳар кўнига муносиб тўхфа бўлади.

Ғ.ҲАСАНОВ, Б.МУСТАНОВ (фото).

КЕЛАЖАГИ АБАДИЙ ШАҲАР

Ер юзининг сайқали, дея эътироф этиладиган қарийб 3 минг йиллик тарихга эга Самарқанд бугун ҳам байрам оғушида. Бу йилги байрамга ҳар йилгидан-да ўзгача тайёргарлик кўрилди.

Дунёнинг йирик салтанати, Соҳибқирон давлатининг пойтахти бўлган, Мирзо Улуғбек осмондаги юлдузларни санаган, сўз мулкнинг султони Алишер Навоий таълим олган Самарқанд азалдан илм-фан, маданият, маърифат маркази бўлиб келган. Негаки, минтақада қанча машхур зот ўтган бўлса, ҳаммасининг қадами етган бу замин ўз навбатида фусункор табиати, муқаддас қадамжолари ва меҳмондўст инсонлари билан дунё нигоҳида бўлган.

Айниқса, мустақиллик йилларида Самарқанд янада обод ва кўркем бўлди. Ўтган 30 йилда

зиёратгоҳлар, муқаддас қадамжоларнинг асл шухрати қайта тикланди, обод масканларга айлантирилди. Бугун ҳам қадимий шаҳарнинг қайси бир гўшасига назар солсангиз, улкан яратувчилик ва бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз.

Хусусан, ўтган йили Самарқанд шаҳрида вилоят ички ишлар бошқармасининг янги ташкил этилган хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ҳамда “Ситуацион марказ” учун бунёд этилган бино фойдаланишга топширилди. Бу ерда Самарқанд шаҳрида мавжуд 4 мингдан ортиқ видеокузатув камераларининг 1 минг

100 дан зиёди геоинформацион тизимига тўғридан-тўғри уланди. Биргина шу ишнинг ортидан шаҳарда осойишталиқни таъминлашнинг замонавий тизими йўлга қўйилди.

Бу каби сайёҳ-ҳаракатлар самараси ўларок, ўтган йили кўхна кент Бутунжаҳон сайёҳлик шаҳарлари федерацияси (WTCF)га аъзо бўлди.

Франциянинг Европа ва ташқи ишлар бўйича вазири ҳузуридаги давлат котиби Жан – Батист Лемуан иштирокида Самарқанд шаҳрида Франциянинг Марказий Осиёдаги илк фахрий консуллиги очилганлиги ҳам дунё нигоҳидаги шаҳарнинг тарихий шухрати тикланаётганидан далолатдир.

Дарвоқе, Самарқанд Латвия Республикасининг Юрмала, Корея Республикасининг Кенжу,



Италиянинг Флоренсия, Россия Федерациясининг Самара ва Красноярск, Бразилиянинг Рио-де-Жанейро, Покистон Ислон Республикасининг Лахор, Украинанинг Львов, Белгиянинг Леж, Болгариянинг Пловдив, Индонезиянинг

Банда-Ачех, Франциянинг Лион, Германиянинг Бремен, Туниснинг Кайруан, Мексиканинг Мехико шаҳарлари билан биродарлашган.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

ТУРИЗМ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАДИ

Албатта, пандемия сабабли хорижлик ва маҳаллий сайёҳларнинг Самарқандга ташриф буюришида қатор муаммолар кузатилди. Хусусан, ўтган йилнинг 9 ойида азим шахарга 281 минг 200 нафар хорижий сайёҳнинг ташрифи кузатилган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткич 49 минг 500 нафарни ташкил этди.

– Бироқ очик осмон остидаги музей – шахарга бўлган қизиқишни ҳисобга олиб, туристик имкониятларни кенгайтириш, шу жумладан, сайёҳларга қўшимча қўлайликлар яратиш бўлишида кенг қўлланма ишлар олиб борилмоқда, – дейди Самарқанд шахар ҳокимининг биринчи ўринбосари Акром Эгамов. – Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 24 та туристик лойиҳа ишга туширилган. 6 та меҳмонхона фойдаланишга топширилди, 190 ўринли 21 та оилавий меҳмон уйлари ташкил этилган. Шунингдек, сайёҳларга хизмат кўрсатувчи 8 та туристик микроавтобус харид қилиниб, 12 та туроператор фаолияти йўлга қўйилган.

Умуман, 2020–2021 йилларда туризм соҳасида 55 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилиб, 2000 га яқин янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Мисол учун, кўҳна кентнинг Орзу Маҳмудов, Ислон Каримов, Алишер Навоий ва Пушкин кўчалари ҳамда Университет хиёбонини туристик масканга айлантириш лойиҳалари ишлаб чиқилган.

КЕЛАЖАГИ АБАДИЙ ШАҲАР

Қайд этиш лозимки, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2019 йил 26 июль куни Самарқанд вилоятига ташриф буюриб, вилоятнинг туристик салоҳиятини ошириш бўйича вазифаларни белгилаб берди.

Шу асосда Самарқанд халқаро аэропортининг 600 йўловчига хизмат кўрсатадиган янги терминалини қуриш, радиолокация тизимларини такомиллаштириш чоралари қўрилмоқда. Умумий лойиҳа қиймати 60 миллион АҚШ доллари бўлган “Самарқанд” халқаро аэропортини реконструкция қилиш доирасида янги учиб-қўниш йўлаги ва 4 та йўналтирувчи йўллар қурилади. Натижада аэропортаргоҳнинг ҳаво кемаларини қабул қилиш қуввати 8 тадан 24 тага етказилади, магистрал йўналтирувчи йўлак реконструкция қилинади ҳамда янги светосигнал ва радиотехник қурилмалар ўрнатилди.

Бундан ташқари, Самарқанд туманидаги эшак эшик канали атрофида 360 гектар майдонда туристик марказ қурилмоқда.

ЎТМИШИ ШАРАФЛИ, БУГУНИ САОДАТЛИ

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 1 майдаги қарори билан ҳу-

дудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати 8 та устувор йўналишда статистик кўрсаткичлар асосида “яхши”, “ўрта” ва “қониқарсиз” деб баҳолаб бориш амалиёти жорий қилинган.

– Бу борада Самарқанд шахри “яхши” баҳога муносиб, деб топилди, – дейди Акром Эгамов. – Шунга қарамай, барча кўрсаткичларни 30 фоизга ошириб бажаришга қаратилган, йил якунига қадар ва келгуси йилнинг биринчи ярмида эришила-диган мақсадли кўрсаткичлар, аниқ чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқилган.

Маълумотларга кўра, Самарқанд шахрида жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига 15 минг 195 та, шундан 5546 та яқка тартибдаги тадбиркор фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 3202 таси жорий йилнинг ўтган даври мобайлида ташкил этилган. Йил якунига қадар 548 та янги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиб, фаолияти ташкил этилиши кўзда тутилмоқда.

Олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 68,5 миллион долларлик ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 17,3 миллион



доллар кўп экспорт амалга оширилган. Бугунги кунда Самарқанд шахри тадбиркорлари ишлаб чиқарган саноат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини дунёнинг 20 та давлатига экспорт қилмоқда.

Самарқанд шахри иқтисодиётига хориждан кириб келаётган инвестиция миқдори ҳам кўн сайин ортиб бормоқда. Хусусан, жорий йилнинг 9 ойида 25 та лойиҳа ҳисобига 52,1 миллион АҚШ доллари тенг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш режалаштирилган бўлиб, амалда белгиланган режа 109 фоизга бажарилган. Яъни, 25 та лойиҳа ҳисобига 56,6 миллион АҚШ доллари миқдоридagi хорижий инвестициялар ўзлаштирилган.

Умуман, бу каби лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида табиий тошларни, метални қайта ишлаш, LED лампалар ишлаб чиқариш ва замонавий кўнгилочар маскан ташкил этиш каби хизматлар кўрсатилиши

йўлга қўйилади. Жумладан, Сўлим шахарчасида “Азия металл профф” корхонаси томонидан тўрт босқичда умумий қиймати 234,1 миллион АҚШ долларилик металл ўрамлар ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш лойиҳасининг иккинчи босқичи амалга оширилмоқда. Қуввати 190 минг тонна бўлган металл ролонларни қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш лойиҳаси декабрь ойида ишга туширилиши режалаштирилган. Мўҳими, бу ерда Сўлим ҳамда Кимёгарлар кўрғонида яшовчи 100 га яқин муҳтож оилаларнинг аъзолари ишга жойлаштирилади.

ТЎЙГА ТЎЁНА БИЛАН

Самарқанд шахри кўни олдида янги бунёд этилган, қайта таъмирланган объектлар фойдаланишга топширилмоқда.

“FAVORITE-GROUP” масъулияти чекланган жамияти томонидан 10 миллирд 381 миллион 95 минг сўмлик лойиҳа самарқандликларга қу-

вонч бағишлади. Лойиҳа доирасида Афросиёб кўчасидан Мирзо Улуғбек кўчасигача тортилган ичимлик сўв ва канализация тармоқлари ишга туширилди.

Шу кўнларда бу ерда яна бир катта лойиҳа якунига етказилмоқда. Афросиёб кўчасининг Ибн Сино кўчасидан М-37 автомобиль йўлигача бўлган қисмида қарийб 14 миллиард сўмлик ишлар амалга оширилмоқда. Йўлнинг қатнов қисмига асфальт ётқизилиб, лоток-ариқлар ўрнатилмоқда. Жами 1600 метрлик масофада пиёдалар йўлаги ташкил қилиниб, замонавий ёриткичлар ўрнатилган.

Бундан ташқари, бугун Амир Темур кўчасида Самарқанд шахар давлат хизматлари марказининг янги биноси, Мирзо Улуғбек кўчасида “Макон Мэл” янги савдо мажмуаси очилиш маросимлари ўтказилади.

Ёқубжон МАРҚАЕВ,
«Зарафшон» муҳбири.

Жорий йилда Давлат дастури доирасида **3 та 16 қаватли, 5 та 7 қаватли, 47 та 12–16 қаватли** уй-жойлар қурилмоқда. Бу йил якунига қадар **4 минг 856 та** оила ўзининг бошлангичига эга бўлади, дегани.

Бундан ташқари, шахарда хусусий сектор томонидан **5200** хонадонга мўлжалланган **76 та** кўп хонадонли тураржой бинолари қурилмоқда.

Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида **7 та** мактабгача таълим, **1 та** соғлиқни сақлаш муассасаси, **4 та** “Ёшлар меҳнат гузары” биноси, **2 та** маданият ва истироҳат боғи қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Инвестиция дастури асосида **161,8** миллиард сўмлик **7 та** умумий ўрта таълим мактаби, **6 та** соғлиқни сақлаш, **2 та** олий таълим ва **2 та** бошқа давлат объектларида қуриш, реконструкция ишлари амалга оширилмоқда.

Рудакий ва Бўстонсарой кўчалари кесишмасида лойиҳа қиймати **67,7** миллиард сўм бўлган туннел қурилмоқда.

Шаҳардаги **1821 та** кўчаниннг умумий узунлиги **848,06** километрни ташкил этади. Шундан, **444,6** километри шахар марказий кўчалари бўлса, **403,4** километри ички кўчалар ҳисобланади. Жорий йилда лойиҳа қиймати **147** миллиард сўм бўлган **76,9** километр масофада йўл қуриш ва мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Самарқанд вилояти жамғармасига қўшимча ажратилган **25** миллион доллар маблағ ҳисобидан **10,3** километр магистрал йўл қурилиб, **67,6** километр ички йўллар таъмирланмоқда.

Бугунги кунда Самарқанд шахрини 2040-йилгача мўлжалланган бош режаси ишлаб чиқилиб, уни тасдиқлаш тўғрисидаги қарор лойиҳаси ҳукуматга тақдим этилган. Унда саноат корхоналарини шахар ҳудудида бошқа жойга кўчириш, **14 та** ажратма йўллар, **6 та** кўприклар қурилиши ва бошқа турли объектлар кўзда тутилган.

АФРОСИЁБ – ЖАСОРАТ ТИМСОЛИ

МОЗИЙДАГИ ҲАЁТ ИЗЛАРИ

Самарқанд шахри қадимий Сўғд давлатининг пойтахти сифатида шонли тарихга эга. Адолатли бошқарув, шахарсозлик, ҳунармандчилик маданияти билан ўзбек давлатчилигининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган ушбу кентнинг куч-қудрати, ҳукмдорларни ўзига жалб этиб келган бойликлари тарихчи-солномачилар томонидан кўп бора эътироф этилган. Асос солинганига 27 асрдан кўп бўлган Самарқанднинг ўтмиши сирли ва суронлидир. Дунё тарихида Афросиёб номи билан доврў қозонган, не-не фотиҳлар кўз тиккан маскан бугунги Самарқанд шахрининг ўтмишдоши, халқимизнинг озодлик, эрк йўлидаги жасорати тимсолидир.

Самарқанд ҳақида бир қанча кўрсатув ва ҳужжатли фильмлар яратган бўлсам-да, шахарнинг 2750 йиллик юбилеи олдида археологлар олиб бораётган илмий изланишлар билан яқиндан танишиш мен учун фойдага ҳаяжонли ва унутилмас воқеа бўлган.

Тарих фанлари доктори, таниқли археолог Мухаммадҷон Исомиддинов Самарқанд шахрининг ўтмишдоши бўлган Афросиёбда ўтказилаётган илмий изланишлар, қазихмалар самараси, ноёб топилмалар ҳақида деяри ҳар кўни гапириб берарди (ҳозир олим Фарғонада яшаб, ўз изланишларини она юрти тупроғида толиби илмлар билан давом эттиряпти). Археологлар ишига қизиқишим янада ортиб қадимий шахристонга ижодий сафарга отландим.

Исомиддин ака билан изма-из қадим салтанат ҳаробалари бўлган тепаликларга кўтариламиз. Қияликлардаги илон изи сўқмоқлар орқали бутун Афросиёбни кезиб чиқиш мумкин. Бир неча асрлар олдин завол топган шахристоннинг ҳар қарич ери узоқ тарих тилсими. Зафарли курашлар, беаёв қирғинлар туфайли ўт ичида қолган шахар, мудофаа деворлари ер билан битта бўлиб ҳувиллаб ётгани кишида ноҳуш ҳис ўйғотади.

– Бу ерда бир замонлар ҳукмдор арки, саройлар, қўшқовузли боғлар, шахристон, мудофаа деворлари оқсалиб турган, қудратли давлат салтанати бўлган, – дейди М.Исомид-



динов. – 219 гектарни эгаллаган Афросиёб шахри бирин-кетин қурилган тўртта мудофаа деворидан иборат бўлиб, унинг биринчи мудофаа девори билан тўртинчи мудофаа девори энг қадимгилари ҳисобланади. Яъни, шахарга дастлабки асос солинган пайтда-ёқ унинг шимолӣ қисми шахарнинг бошқа кимларидан алоҳида девор билан ажратиб олинган. Бу шахар ҳокими ёки Сўғд давлати подшосининг қароргоҳи вазифасини ўтаган. Шаҳарнинг иккинчи девори илк ўрта асрларда ва учинчи девори сал кейинроқ қурилган.

ТИЛИ БОШҚА – ДИЛИ БОШҚАЛАР...

Мухаммадҷон акадан Афросиёбда дастлаб археологик қазиш ишларини қимлар бошлагани, илмий изланишлар қачондан буён бошлангани, қандай ашёвий далиллар юзага чиққанини билишга қизиқаман.

– Умуман олганда, Самарқанд ва Самарқанд Сўғди тарихини ўрганишни уч босқичга бўлиш мумкин, – дея тушунтира бошлайди олим. – Бу ерларга дастлаб Афросиёбни ўрганиш истагида бўлган рус олимлари, шарқшунослар ҳамда ҳарбийлар келган. Уларнинг саргузаштлари ҳам қизиқ. 1841 йилда Бухоро хонлигига келган Н.Ханыков Афросиёбни ўрганиб, Самарқандни топогра-

фик харитага туширган дастлабки кишидир. Юртимиз рус империяси томонидан босиб олингандан сўнг Афросиёбда қазиш ишлари жаддалашган. Афсуски, асосан ҳарбийлар томонидан олиб борилган бу изланишлар бойлик орттириш мақсадини кўзлаган. Кейинчалик В.Крестовский деган киши қазихма ишларда қўлловчи археологик методлар талабга жавоб бермаса-да, Афросиёбда эллинизм даврига оид қатламга дуч келган. 1883 йилда таниқли шарқшунос Н.Веселовский археологидан йироқ бўлса-да, тўрт ой ичида жуда тезкор ишлаган ва 109 жойни қавлаб ташлаган. Шунга қарамай у тузган топографик харита кейинчалик иш берди.

1894–1895 йилларда Афросиёбда французлик Шаффанжан деган қимса қазихма дейишга тил бормайдиган ажабтовур ва вайронкор услубдан фойдаланган. У қадимий шахарнинг маданий қатламини портлатиб, қўллаб тарихий ашёларни қўлга киритган. Ҳозирда бу қимматли топилмалар Париждаги Гимз музейида сақланяпти. Шунингдек, Самарқандда С.Горшенниа, В.Вяткин тадқиқотлар олиб боришган.1930–1950 йилларда ҳам қадим шахар тарихини талқин этишга қўллаб уринишлар бўлган.

XX асрнинг 60-йилларидан Самарқанд ва Марказий Осиёда археология соҳасига муно-

сабат сифат жиҳатидан ўзгара бошлади. Бу даврда қазихма ишлари нафақат Самарқанд шахри, балки бутун вилоят бўйича олиб борилди. Афросиёб давлат қўриқхонасига айлантирилди.

ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Мустақилликдан сўнг археологларимиз бутун Ўзбекистон миқёсида иш олиб бориб, чинакамига ўз сўзини айта бошлашди. Бу соҳада халқаро алоқалар йўлга қўйилди.

Ўзбекистон – Франция қўшма археологик экспедицияси раҳбари бўлган Мухаммадҷон акадан бу самарали ҳамкорлик қачон бошлангани, қандай ютуқларга эришилаётгани ҳақида сўрайман.

– Бу ҳамкорлик яхши ният ва катта мақсадлар билан 1988 йилда йўлга қўйилган эди, – дейди у. – Мустақиллик илм-фан, ўз тарихимизни чуқур ўрганиш учун кенг ва ёруғ йўллар очди. Улар ҳам дастлаб археологик қазихмаларни дунёга машхўр тарихий ёдгорликлар бошлашди. Бу эса Афросиёбда олиб борилаётган илмий тадқиқотларни янги босқичга олиб чиқишга замин яратди. Франциядан тажрибали олимлар-академик Поль Бернар, улар томондан экспедиция бошлиғи Франц Грене, илмий ходимлар Клод Рапен, Бертиль Лионе, географ Пьер Жантель ва бошқалар бизнинг археологларимиз Х.Охунбобоев, Н.Раҳимбобоев, Л.Сколовская ва И.Иваницкий билан самарали ишлашди. Сиз-у мен турган Афросиёб, Челақдаги Кўктепада эришилган илмий ютуқлар бунга бир мисолдир. Ҳамкорлик натижалари Франция ва бошқа хорижий давлатларда нашр этиладиган нуфузли газета ва журналларда эълон қилиниб борилмоқда.

ТАРИХ ҲУКМИДАГИ ШАҲАР

Қўшим асли водийлик бўлса-да, касб-кори боис у кишига қадим Афросиёб, унинг сўқмоқлари, тарихий курашлар изини яшириб ётган тепаликлар қадри. “Кўп вақтингизни қадимий Самарқанд шахрини шаклланиш жараёнини ўрганишга бағишлаган киши сифатида айтингчи, унинг ободлиги омилла-

Қадамжоларга сайр

ри нима эди?” деб сўрайман.

– Афросиёб бир замонлар Самарқанд Сўғдининг пойтахти сифатида ўзга мамлакатлар ҳукмдорлари эътиборини тортган. Бунинг сабаблари нимада? Биринчидан, қулай ва мўътатил иқлим, тўрт фаслнинг таровати. Ери ҳосилдор ва яйловлари кўп бўлган. Ҳатто деҳқончиликнинг ривож топгани боис лалми ерлардан ҳам юқори ҳосил олишга эришилган. Ҳашаматли саройлар қуриш ва уларни безаш, қурол-яроғ ясаш учун ҳам маъданларни ишлатишни билишган. Олтин, қумуш, мис, темир, мрамар ва оҳақтошлар каби бойликлар бу заминда жуда сероб.

Қадимий Самарқандни ободлигига замин яратган суғориш манбаларини ўрганиб чиққанман. Айниқса, бу диёрга тоғлардан тушиб, ҳаёт бағишлаб турган сой ва дарёларнинг кўплиги деҳқончиликнинг ривожланишида қўл келган. Шаҳар ҳудудидаги булоқлар қайнаб турган. Зарафшон дарёси, Дарғом, Булунғур, Сиёб каби 100 километр узунликдаги каналлар қазилгач, 70 минг гектардан ортиқ ерда деҳқончилик қилиш имконияти туғилган. Бу эса қадимий Афросиёб, бутун Самарқанд Сўғдининг гуллаб-яшнаши ва ободлигига сабаб бўлган. Афросиёб чинакамига ажодларимизнинг ҳаётга муҳаббати, юртини севиш, уни асраш, ватанпарварлик жасорати тимсолидир.

Мен касбимни яхши кўраман. Юртимни севаман. Самарқанд эса Ўзбекистоннинг дурдонаси. Ўйганингиздек, Афросиёбда кўп ишладим. Унга руҳий жиҳатдан жуда яқинман. Шаҳарнинг қуйган бағри, малҳам истаб ётган тупроғи билан гаплашишимизга тўғри келади. Ишимиз шунақа...

Бугун Афросиёб салтанати осуда уйқуда. Тарихнинг ҳукмида. Унинг тинчини баъзи-баъзида археологлар, биз каби ижодкорлар, муҳбирлар, сайёҳлар ва бир-бирини қувиб юрган болалар узиб туришади. Вақт топсангиз, сиз ҳам шу тепаликларни кезинг, тарих билан юзлашинг, гаплашинг. Зеро, тарих сабоқлари келажакни мукамалроқ бунёд этиш йўратди.

Тошўйлат ТУГАЛОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари.



ШЕРДОР МАДРАСАСИНИ КИМ ҚУРГАН?

Олчин қишлоғида туғилган қаҳрамон

ҳақида нималарни биласиз?

Ушбу мақолани ёзишдан мақса-димиз нима эканини айтишдан аввал Олчин қишлоғи ҳақида тўхталсак.

Самарқанд ва Навоий вилоятлари ҳудудларида бу ном билан аталадиган қишлоқлар кўп. Масалан, Оқдарё, Самарқанд, Пайарик, шунингдек, Кармана, Хатирчи туманларида Олчин қишлоғи бор. Аммо уларнинг айримлари тарихий эмас. Биз у ҳақда маълумот тўплашни истаётган қаҳрамон эса тарихий шахс. Аниқроғи, XVI-XVII асрда яшаган қаҳрамон – Баҳодир Ялангтўш. Ҳаъни, Самарқанд шаҳрига кўрк бериб турган Регистон майдонининг муаллифи, бу-нёдкори ва ўша даврдаги Самарқанд шаҳри ҳокими.

Унинг асл исми Абдулқарим бўлиб, расмий ҳужжат-ларда Низомиддин Ялангтўшбий Оталиқ номи билан ёрлик берилган. Отаси – Бойхўжа. Баҳодир Ялангтўш-нинг уч фарзанди бўлиб, Икlimaбону, Ойбиби ва Бойбек. Афсуски, ўғли ёшлиғида вафот этган.

Баҳодир Ялангтўшнинг ҳаёти ва фаолияти ўша давр китобларида жуда кам тарғиб қилинган. Айрим тарихий манбаларда ёзилишича, Ялангтўш ёшлигидан Бухоро ҳукмдори Динмуҳаммад кўма-гида мадрасада диний ва дунёвий ҳамда ҳарбий соҳаларда мукаммал сабоқ олган. 1593 йилда 17 ёшида Олчин уруғи бийи этиб тайинланган.

Ялангтўш 1611-1612 йилларда Вали Мухам-мадхон ва Аштархонийлар ҳукмдори Имомқулихон ўртасидаги сиёсатларга ва бирмунча зиддиятларга аралашиб қолади. У Имомқулихоннинг ишончига сазовор бўлгач, қўллаб-қувватлаши натижасида Самарқанд амири ва кейинроқ оталиқ мақомига эга бўлади.

Ялангтўш Бухоро хонлигининг ҳарбий ҳаракат-


ларида фаол қатнашиб, 1623-1631 йил Форс қўшини Балх вилояти-га юриш қилганда Балх ҳокими Нодир Муҳаммадхонга яқиндан ёрдам беради. Шу боис Нодир Муҳаммадхон унга Қобул атрофидан бир қатор қабилаларни инъом этган. Шунингдек, у Имомқулихон аскарларига бош бўлиб, Тошкент ва Туркистонни эгаллайди ва тез орада катта шухрат қозонади.

Шарқий Туркистоннинг шимолий қисмида яшов-чи жунғорлар Еттисув ва Сирдарёни босиб олиш орқали рус ўлкалари ва Марказий Осиёни боғлов-чи савдо йўлларига эгалик қилиш билан келгусида бошқа юртларга ҳарбий юришлар бошлашни кўзда тутарди. Шу боис XVII асрнинг иккинчи чорагидан хозирги Қозоғистон ҳудудига Хитойнинг ғарбий ерларидан келган жунғорларнинг аёвсиз босқини кучаяди.

Қозоқ бийлари ўзбек ҳукмдорлари билан бир-лашиб, ташқи душманга қарши курашни йўлини тутарди. Ялангтўш 1640 йили 10 минг сонли қў-шини билан жунғорларга ҳужум қилиб, уларни чекинишга мажбур қилади. Иккинчи ва учинчи ҳужумларда эса 30 минг сонли аскари билан қозоқ қардошларга ёрдам бериб, жунғорларни Олма-ота ҳудудларига қадар улоқтиради. Охириги марта ҳам Баҳодир Ялангтўшнинг 20 минг сонли қўшини душман қўшини ортидан қақшатқич зарба бериб, уруш тақдирини ўз фойдасига ҳал қилган.

Ялангтўш Самарқанднинг гуллаб-яшнаши, илм-фан ривожини, халқ фаровонлигини, маданияти юкса-лиши ва барқарорлиги учун ҳаракат қилган.

Бунинг ёрқин мисоли Шарқ гавҳари бўлган Регистон мажмуасидир. Регистон майдонида кўрк бериб турган Шердор (1619-1638 йиллар), Тилла-



кори (1649-1659 йиллар) мадрасаларининг қури-лиши XVII асрда Самарқанд шаҳри ҳокими бўлган Баҳодир Ялангтўш номи билан боғлиқ.

Биз ўқиган, биз билмоқчи бўлган қаҳрамон – Баҳодир Ялангтўш туғилган гўша Хатирчининг Олчини деб тахмин қилинади. Аммо қайси ҳудуд-да туғилганидан қатъи назар, бизнинг бунёдкор аждодимиздир.

Ўтган йил Самарқанд шаҳрида «Баҳодир Ялангтўшнинг Марказий Осиё ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида тутган ўрни» мавзусида халқа-ро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Ушбу нуфузли анжуман ҳулосасида Баҳодир Ялангтўш ҳақида тадқиқот ишларини кенг йўлга қўйиш, улўғ аждодимизни халққа яқиндан танитиш зарурлигини таъкидланди. Шундан келиб чиқиб, биз у ҳақда эшитган, билган, айниқса Олчин қишлоғида яшов-чи кишилар, зиёлилар, нурунийлар билан учра-шиб, Ялангтўш ҳақидаги маълумотларни кенгайти-риш мақсадида экспедиция уюштирдик.

Тўғри, орадан беш асрдан кўпроқ вақт ўтди. Бугунгача унинг авлодлари бор ё йўқлигини билмаймиз. Аммо улўғ шажара ҳақида тўлиқроқ маълумот тўплашдан умидвормиз. Мақсадимиз Баҳодир Ялангтўшнинг ўлмас сиймосини тиклаш.

Бу борада бизга бирор маълумот етказмоқчи бўлганлар **93 991-31-22, 97 405-67-80, 97 286-86-40** рақамли телефонларга қўнғироқ қилишлари мумкин.



Жумақул КАРИМ.

даъвогарлар фойдасига 68 миллиард 868 миллион сўм ундирилган.

Вилоят, туман, шаҳар ҳамда туманлараро иқти-содий судлари томонидан 9 ой давомида 5278 та иқтисодий ишлар мазмунан кўрилиб, ҳал этилган. 2358 та иш сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилган.

Ушбу ишлар бўйича даъвогар (аризачи)лар фой-дасига 198 миллиард 405 миллион сўм ундириш ҳақи-да суд ҳужжатлари қабул қилинган. Шунингдек, Республика бюджети ҳамда суд ҳокимияти органла-рини ривожлантириш жамғармасига 6 миллиард 667 миллион сўм давлат божи ундирилган.

Иқтисодий ишларни кўриш давомида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича маъмурий жавобгар-ликка тортиш юзасидан 8 та, мулкий жавобгарликка тортиш юзасидан 36 та, интизомий жавобгарликка тортиш юзасидан 52 та ҳусусий ажримлар чиқарилган.

МАЪМУРИЙ СУДЛАР 14 МИЛИАРД СЎМЛИК ЖАРИМА ТАЙИНЛАГАН

Тайинланган жарима жазоларининг қарийб 8,5 миллиард сўми ихтиёрий равишда тўланган.

Маъмурий судларга келиб тушган 132 ишлардан 235 нафар ҳуқуқбузарга ҳаракатида жиноят аломат-лари бор-йўқлигига баҳо бериш учун прокуратура идораларига юборилган. Шунингдек, 2161 нафар шахсга нисбатан суриштирув давомида йўл қўйил-ган камчиликларни бартараф қилиш учун 1315 та иш суриштирув органига қайтарилган. 5 та шахсга нисбатан юритилган 4 та иш вояга етмаганлар ишла-ри бўйича комиссияга юборилган.

Таҳлилларга кўра, транспорт воситасида йўловчи ташиш фаолияти билан лицензиясиз шўғулланишга оид ишларда 2756 нафар шахс маъмурий жавоб-гарликка тортилган. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 19,5 фоизга кўпайган.

Ё.ГАДОВЕ.

Хотира уйғонса гўзалдир

Ёруғ олами равшан кўриб, ҳаётдан завқланиб яшаётган кишининг кўриш қобилияти па-сайса дунё кўзига тор кўринади. Ана шундай пайтда маҳоратли кўз дўхтирининг муолажаси, ширин сўзи кўнглини тоғдек кўтарарди, соғайишга ишончини орттиради.

Ноёб хислатли офтальмолог

Самарқанд офтальмология мактабининг забардаст вакили, доцент Маматқул Солиев ана шундай ноёб хислат соҳиби эди. «Мен 1957 йил Самарқанд давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетида ўқишга кирганман. Ўқий жараянида офтальмологиядан Ўзбекис-тонда хизмат кўрсатган фан ва техника ароби, профессор Н.Медведевнинг маърузаларини тинглаб, нозик операцияларида иштирок этиб соҳага қизиқи-шим ва меҳрим ошган», деб хотирларди Маматқул Солиев илмий фаолияти ҳақида гап кетганида.

М.Солиев талабалик йилла-ридаёқ вилоят кўз касалликла-ри шифохонасида ўрта тиббий ходим сифатида ишлаган. 1963 йилда институтни битиргач, шу ишхонада врач-офтальмо-лог бўлиб фаолиятини давом эттирган. Касбга садоқат, илмга иштиёқ ёш врачни 1966 йилда ўзи таълим олган Самарқанд давлат тиббиёт институти офтальмология кафедрасига чорлади. У профессор Азиз Юсупов раҳбарлигида кўзнинг қанотсимон парда касаллиги-нинг тарқалиши ва даволаш-ни ўрганишга киришди. Ёш тадқиқотчи уч йил давомида сермашаққат илмий изланиш-лар натижасида касалликнинг янгича даволаш-профилактика чораларини ишлаб чиқди. Кўп йиллик илмий ишлар ва ҳуло-саларини жамлаб, 1969 йилда номзодлик диссертациясини ёқлади. Олим тавсиялари рес-публикада қанотсимон парда касаллигини даволашга кенг жорий этилди.

М.Солиев 1970-2011 йил-ларда институтда ўқитувчи, доцент, врачлар малякасини ошириш факультетида ка-федрa мудури вазифаларида фаолият кўрсатди. Шу билан бирга беморларни даволашда ўз мактабини яратиб, кўплаб ёшларга устозлик қилди. Илмий ишларни педагогик фаолият билан қўшиб олиб борган олим сифатида тиббий таълимда ўқув-ўслубий, илмий-даволаш, магистрлар тайёрлашни тако-миллаштиришга салмоқли ҳисса қўшди.

М.Солиев бўлажак шифокор шогирдларига мудом «Врач беморнинг ихлоси – ишончи-ни қозониши учун ҳушфеъл, меҳрибон, беморни обдон



тинглаб, соғайишига ишончини орттириш хислатига эга бўли-ши лозим», деб таъкидларди ва бу борада ўзи уларга ўрнат-кўрсатарди.

Беморларнинг сўзларини бўлмай, охиригача эшитар, меҳрибонлик ва ишонч билан «Сиз албатта соғайиб кетасиз», деб кўнглини кўтарар ва бунн ярим шифо деб биларди. Соға-йиб, миннатдорчилик билдирган беморларни кўриб, умри беҳуда ўтмаётганидан мамнун бўларди.

Устознинг ибратли одат-ларидан бири ўзининг чуқур билими, тажрибасини сами-мийлик, бағрикенглик билан шогирдларига улашиш эди. «Китоб ўқишдан тўхтамаган одам, онгу тафаккури, сўз бой-лиги ошади» деб таъкидларди. Беморларга ташхис қўйишда шифокор зийрак ва билимдон бўлиши учун нафақат соҳага оид, балки бадий китобларни ҳам мунтазам мўтолаа қилиб бориши зарур, деб ҳисобларди. Режаланштирилган операция-лардан бир кун олдин унда иштирок этадиган шогирдла-рига касаллик, уни даволаш усули ҳақида нималарни билиш зарурлиги тўғрисида вазн-фа берарди. Операцияга ўзи билан бирга пухта тайёрлан-ган шогирдларни олиб кирар, қолганлар операция хонасида кузатиб туришарди. Натижада соғлом рақобат муҳити вужудга келарди.

Устоз ҳаёт тарзининг яна бир ибратли томони шунда эдики, у меҳрибон, оилапарвар инсон эди. От изини той босар, де-ганларидек ўғли Илҳом моҳир офтальмолог бўлиб етишди.

Доцент Маматқул Солиев бугун ҳаёт бўлганида 80 ёшни қарши оларди. Устознинг ёрқин хотираси ҳамкасблари, шогирд-лари, фарзандлари қалбида барҳаётдир.

Яхшиноор АЛЛАЁРОВ, Тўрсунпўлат ШОМУРОДОВ, Рустам ЮЛДАШЕВ.

Судлар 9 ойда қандай фаолият олиб борган?

Вилоят матбуот уйида вилоятдаги жиноят, фуқаролик ишлари, маъмурий ва иқтисодий судлар раислари томонидан 2020 йилнинг 9 ойи давомида кўриб чиқилган ишлар таҳлилига бағишланган брифинг ўтказилди.

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАРДА 13 НАФАР ШАХС ОҚЛАНГАН

Жорий йилнинг 9 ойда жиноят ишлари бўйича вилоят, туман (шаҳар) судлари томонидан 2675 (2019 йилнинг шу даврида 2664) нафар шахсга нисбатан 2146 та жиноят ишлари кўриб тамомлланган. Шундан 606 нафар шахсга нисбатан юритилган 553 та иш тугатилган.

Судлар томонидан кўрилган жиноят ишлари бўйича 239 нафар шахс суд залидан қамоқдан озод қилинган. Шунингдек, 531 та жиноят иши тарафларнинг ярашганликлари мўносабати билан тугатилиб, 574 нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинган.

Кўриб тамомлланган 4284 та материаллар бўйича ички ишлар органлари пробация хизмати тақдимно-малари асосида 1971 нафар шахс жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиниб, 316 нафар шахснинг жазоси енгилроғи билан алмаштирилган. Жазони ижро этиш манзил колонияларидан 339 на-фар шахс тайинланган жазони ўташдан муддатидан илгари шартли ва жазо енгилроғига алмаштирилиб, қамоқдан озод қилинган.

Таҳлил қилинаётган даврда 507 нафар шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида илтимосномаларнинг 505 таси қано-атлантирилган ва 2 таси рад қилинган.

ҲАР БИР СУДЬЯ ОЙИГА ЎРТАЧА 80,3 ТА ФУҚАРОЛИК ИШИНИ КЎРГАН

Ҳисобот даврида фуқаролик ишлари бўйича ту-манлараро, туман ва шаҳар судларининг ҳар бир судьяси ойига ўртача 80,3 та фуқаролик ишини кўриб чиққан.

Судлар томонидан 23 минг 184 та, ҳусусан, 14 минг 8 та ижро ҳужжати фуқаролик ишлари юза-сидан, 9 минг 176 та ижро ҳужжати суд бўйруғи юзасидан чиқарилган. Шундан 66 миллиард 310 миллион 508 минг 721 сўмлик давлат божини ун-дириш тўғрисида 22 минг 537 та ижро ҳужжатлари мажбурий ижро бюросига юборилган.

Умуман, ўтган 9 ойда фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди биринчи инстанциясида 312 та, шундан даъво тартибида 311 та ва алоҳида тартибда 1 та иш кўриб чиқилган. Шундан 290 та даъво, яъни шикоят ва аризалар қаноатлантирилган, 20 та талаб рад қилинган ва 2 та фуқаролик иши иш юритишдан тугатилган.

ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАР ФОЙДАСИГА 66,8 МИЛИАРД СЎМ УНДИРИЛГАН

Вилоят ва туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари томонидан ҳусусий тадбиркорлик субъект-лари даъвогарлигида 1090 та ишлар кўриб чиқилиб,

РЕКЛАМА, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбop / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 66-233-91-56

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

Ургут туманидаги 123-умумтаълим мактаби куйидаги мутахассисларга бўйича ўқитувчи-ларни ишга таклиф этади: расм-чизмачилик (11 соат), рус тили (10 соат), мусиқа (8 соат), бош-ланғич синфларга жисмоний тарбия (7 соат).

Манзил: Ургут тумани Навбоғ маҳал-ласи.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Давлат мулки қўмитасидан 2012 йил 2 июлда 14-223-0028456 рақам билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси Самарқанд вилоят минтакавий лабораторияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3699-сонли қарорига асосан тугатилган.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Муассасанинг почта манзили: Ўзбекис-тон Республикаси Самарқанд вилояти Са-марқанд шаҳри Мирзо Улўғбек кўчаси, 50-уй.

Муассасанинг солиқ тўлайдиган идентифи-кацион рақами (СТИР): 202498727.

Самарқанд шаҳрида ҳусусий амалиёт билан шўғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисра-вовна нотариал идорасида марҳум Бегова Истат Абдиевнага (1995 йил 17 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасига муро-жаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Жомий кў-часи, 64-уй.

Оқдарё туманида ҳусусий амалиёт билан шўғулланувчи нотариус Садуллаев Жамшидхон Сафохонович нотариал идорасида марҳум Бо-зоров Журакулга (2020 йил 28 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очил-моқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Садуллаев Жамшидхон Сафохонович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

МАНЗИЛ: Оқдарё тумани Лойиш шаҳар-часи Амир Темур кўчаси.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Оқдарё туманидаги 2-ўрта мактабдан 1998 йилда Қобилова Халима Махмуджоновна номига берилган О'Р-А № 179542 рақамли ўрта маъ-лумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайарик туманидаги "QILICHXON ESHIK ROMLARI" оилавий корхонасининг (СТИР: 304578155) думалок муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг гербли думалок муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Иштихон туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Ахмадуллина Земфира Исламовна номига берилган UM № 0141119 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги ат-тестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги "SAM SOTOVIK MOBILE" масъулияти чекланган жамиятига те-гишли, Самарқанд шаҳар давлат солиқ инспек-

циясидан 2017 йил 18 сентябрда 1801104086 реестр рақами билан рўйхатга олинган завод рақами 1215559 бўлган «МЕРКУРИЙ-115Ф» ру-сумли назорат касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкаси йўқолганлиги сабабли бе-кор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги Джураев Жамшид Абдурасулович якка тартибдаги тадбиркорнинг (СТИР: 520719994) думалок муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 37-ўрта мактабдан 1993 йилда Мирзаев Уткирбек Зоеркулович номига берилган А № 201581 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Кўшработ туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда Ярбекова Уми-да Холмуиновна номига берилган О`R-SH №0350378 рақамли ўрта маълумот тўғрисида-ги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги "BOG'IZOG'ON AGRO VET SERVIS" масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 301451965) думалок муҳри йўқолган-лиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти қо-шидаги 1-сон академик лицейдан 2012 йилда Сулаймонов Сирожиддин Салайдин ўғли но-мига берилган рўйхат рақами 21, L № 141233 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Нарпай туманидаги 39-умумий ўрта таълим мактабидан 2010 йилда Иброҳимов Шаҳзодбек Абдулпaпoр ўғли номига берилган U № 4262225 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳо-датнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университети академик лицейи жамоаси лицей ўқитувчиси Дилбар Эгамбердиева отаси **Абдулла ЭГАМБЕРДИЕВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Шеърларга ҳам нақш унинг номи

Сиз орзулар қиласиз, ахир,
Шоҳидисиз не-не аҳдларнинг.
Бир кўришга интиқ дунё бор
Самарқанддек мовий шаҳарни.

Юксалади йиллар ва йўллар,
Буюкликка молик юртлар бор.
Ер шарининг қоқ биқинида
Самарқанддек қадим шаҳар бор.

Фавворалар, бинолар кўркам,
Қишлоқ – шаҳар, тун чироқлари.
Элу юртга ғурур бахш этиб
Шовуллайди Темур боғлари.

Авлиёлар қадами теккан,
Анбиёлар туроби шунда.
Дон ташласанг бўғдой унади,
Ризқ бўлади элга уч кунда.

Ёшларидан бештаси юрса,
Ютуғи бор ҳар тўрттасида.
Нур таратар қитъага шу юрт
Осиёнинг қоқ ўртасида.

Ҳар тонг нурга чулғониб мен ҳам,
Шукроналар ўқиб саҳарда,
Яшайман мисоли қуёш –
Самарқанддек мовий шаҳарда.

Жумагул СУВОНОВА.

О, гўзал Самарқанд! Ватаним менинг,
Боболардан мерос жон, таним менинг.
Ўзбекман, фидойи фарзандман сенга,
Ибтидоим, имконим, имоним менинг.

Сени куйламоқлик ўзи зўр шараф,
Юрак ифтихорга тўлар, бокира.
Сенинг таърифингга сочилиб қиёс,
Кўкда юлдузлар ҳам бўлмиш асира.

Дунё ҳазинасин бир дурирдирсан,
Жаҳонгир бобомнинг сурурирдирсан,
Пойингда ёғилар беверарар жон,
Ҳар битта туркийнинг ғурурирдирсан.

Манглайимга қўл тираб боқсам кўринасанми?
Сен томона мўлтираб боқсам кўринасанми?
Уйқусиз кечаларнинг гоҳ адоғи кўринмас,
Балки кундузи чироқ ёқсам кўринасанми?
Сендан нишон ахтариб кўзим толди, Самарқанд!
Боласидан-да ғариб онам қолди, Самарқанд!

От ҳайдаган эрларнинг пойини ўпиб келдинг,
Кузатган боланг бисёр, барини қўтиб келдинг.
Бири жаҳонгашта-ю, бири жононгаштадир,
Падарқуш болангни-да айбидан ўтиб келдинг.
Сендан нишон ахтариб кўзим толди, Самарқанд!
Кетмон билан алданиб отам қолди, Самарқанд!

Бибихонимдан бошлаб ёр кутади аёллар,
Баҳорда кетса эри, қор кутади аёллар.
Иқбол кутмас эридан, рўзғор кутмас эридан,
Бир эркакка яраша ор кутади аёллар.
Сендан нишон ахтариб кўзим толди, Самарқанд!
Тор қулбада ясаниб ёрим қолди, Самарқанд!

Шаффоф булоқларинг бол, оби кавсар,
Сенда кашф этади ўзини саҳар.
Киприкларим билан гардингни артай,
Тангри назар солган, эй, буюк шаҳар.

Темур бобом қайтди қайта боғингга,
Фалакка қайтгандек олам қуёши.
Янги шаҳар ўсар, ўхшаб тоғингга
Бунча чўнг бўлмаса ўзбек бардоши.

Замона шиддаткор, карвон ортидан
Тушиб қолган эллар, миллатлар қанча.
Буюк Бибихоним қасабасидан –
Тўкилган ривоят, ҳикматлар қанча.

Хувиллаб ўтар умрим, гувиллаб ўтар умрим,
Дийдорингга вақт топмай, зувиллаб ўтар умрим.
Гоҳ ишхона, гоҳ кўча, гоҳ шинам кафеларда
Гап сотиб, ўзга умрин ўғирлаб ўтар умрим.
Орзулар мени турли қўйга солди, Самарқанд!
Дала-даштда қўй боқиб дўстим қолди, Самарқанд!

Рус даласин пойида кўрфазлар кўринармиш,
Кўк қўллар кўринармиш, кўп ғозлар кўринармиш.
Мен туғилган тупроқда авлиёлар ҳоки-ю
Осмониға қарасанг гумбазлар кўринармиш.
Сендан нишон ахтариб кўзим толди, Самарқанд!
Яна қайга сочилган тузим қолди, Самарқанд!

Гоҳ эл кезиб топарман йўқолган илхомимни,
Муҳаббат борасида чала имтиҳонимни.
Изтироб адо қилиб ва фироқ адо қилиб,
Мусофирлик бўзимга келтирганда жонимни.
Сендан нишон ахтариб кўзим толди, Самарқанд!
Лекин қайтишга қайси юзим қолди, Самарқанд!

Денгиздай чайқалар орзиққан қалбим,
Севинч ёшларимни шеър билан артдим.
Эзгу оятларни шивирлар лабим –
Кўз тегмасин сенга, ҳеч қачон юртим.

Қўлларим кўксимда, дилимда туғён,
Бугун бекор бўлди барча ҳадиклар.
Етти иқлимдан ҳам келса гар, меҳмон
Қўтиб олажақдир самарқандликлар.

О, гўзал Самарқанд!...

Исматилла ЙЎЛДОШЕВ.



Бек АЛИ.

“ОБУНА-2021”

Газета муаллимга ўхшайди

Хусусан, мен “Зарафшон”дан жуда кўп нарсани ўрганаман, ҳар бир сонини қолдирмай ўқиб бораман. Шу сабабли, бу йил ҳам обуна бўлдим.

Мақтабда бугун ўқувчиларга сабоқ бераётган муаллим Эргаш Эрназаров, қишлоғимиз нуруний зиёлиларидан Умрзоқ Назаров, Ғуломбой Турсунов ва жами 30 кишини ҳам ҳўжалигимиз ҳисобидан 2021 йил учун “Зарафшон” газетасига обуна қилиб бердим. Сиз ҳам обуна бўлинг, асло ютқазмайсиз!

Мухтор ЁРҚУЛОВ,
Каттақўрғон тумани “Чигатойнинг файли боғлари” фермер ҳўжалиги бошлиғи.

МУШТАРИЙ ФИКРИ

Ота ўлиמידан олдин ёзиб қолдирган васи-яти сўнггида биргина нуқта қўйилмагани учун тугалланмаган ҳисобланиб, фарзандлар ме-росдан улуш ололмаган экан. Мана сизга бир-гина кичик тиниш белгисининг катта вазифаси, шу билан бирга жазоси.

Зулхумор АШУРОВА,
Зулфия номдаги Давлат мукофоти совриндори.

2021 йил учун обуна бўлишга шошилиш!

АЗИЗ ДЎСТЛАР! ВИЛОЯТ “МАТБУОТ УЮШМАСИ” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг вақтли матбуот нашрлари (газета-журналлар)га 2021 йил учун обуна қабул қилиш ва расмийлаштириш бошланганлигини маълум қилади.

Обунани Сиз нақд ҳолда, пул кўчириш йўли билан ва пластик карточкалардан тўлаш, “Матбуот уюшмаси” МЧЖнинг барча туман, шаҳар участкаларида, “Матбуот” киосклариди, корхона, муассаса, ўқув юртлари жамоатчилари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусий тадбиркорлар ва жамоатчи тарқатувчилар орқали ҳамда Самарқанд шаҳри Гагарин кўчаси, 84-уйда жойлашган “Матбуот уюшмаси” МЧЖ бош офисида (мўлжал - авиакасса) ҳар кун (шанба ва якшанба кунлари ҳам) соат 8:00 дан 19:00 гача расмийлаштиришингиз мумкин.

Мурожаат учун телефонлар:

66-234-22-53, 234-94-37, 234-93-96.

Бизда газета ва журналларга обуна фуқароларнинг иш (ўқиш) жойига, уй манзилига яқин жойлашган “Матбуот” киоскасига етказиш шарти билан расмийлаштирилади. Жамиятимизда Сиз Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг вақтли матбуот нашрларига ҳамда вилоятимиз газеталарига обуна бўлиш имкониятига эгасиз.

БИЗ СИЗГА ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРНИ ЕТКАЗИШ БЎЙИЧА ЭНГ МАЪҚУЛ НАРХЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

“Матбуот уюшмаси” МЧЖнинг барча ходимлари
Сизга намунали хизмат кўрсатишга тайёр!



Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр 100. Индекс 438.
9 715 нускада чоп этилди. Буюртма 614

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.



Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2

КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Газета “Зарафшон” таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди.
“Ношир люкс” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир:
А.ҲАЙДАРОВ.

Навбатчи:
Т.СИДДИКОВ.

Саҳифаловчи:
О.НАЗИРОВ.

Сотува нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X

